Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 8 январь сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 5 (2833)

## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус бўлими ишга тушди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанада Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритди.

Марказни "Қорақалпоқтаъмирқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 2-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуриб фойдаланишга топширди. Бу ерда 360 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Марказда мингдан ортиқ тиббиёт ходими ишлайди. Улар орасида тиббиёт фанлари доктори, фан номзодлари талайгина. 2 та реанимация бўлими, жарроҳлик ва муолажа хоналари замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган.

Қорақалпоғистонда ягона бўлган мазкур тиббиёт маркази экологик мураккаб шароитда яшаётган аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**





## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 январь куни Оқсаройда АҚШ Сенатининг Давлат ишлари бўйича қўмитаси раиси Жозеф Либерман бошчилигидаги бир гуруҳ сенаторларни қабул қилди.

— АҚШнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Сенат ўта муҳим роль ўйнайди, — деди Президент учрашувда. — Айниқса, 11 сентябрь воқеаларидан кейин мамлакатда барқарорликни сақлаш ва террорчиликка қарши халқаро кураш борасида унинг фаоллиги янада яққол намоён бўлди.

Кейинги пайтда халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё минтақасига диққат-эътибори кучайди. Бу бежиз эмас, албатта. Афғонистонда кечаётган воқеалар сабаб, минтақада юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террор хуружларининг олдини олиш, бу борада ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтириш халқаро террорга қарши курашда жонбозлик кўрсатаётган АҚШ учун ҳам, минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам муҳим вазифалардан саналади. Ўзбекистон хориждан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилаётган юкларни манзилга етказишда фаол иштирок этаётгани, буни халқаро ҳамжамият юқори баҳолаётгани сир эмас.

Учрашувда АҚШ сенаторлари ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни сақлашга, террорчиликка қарши курашга қаратилган саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, икки томонлама, хусусан, парламентлараро алоқаларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Америкалик меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Олий Мажлисида парламент раиси Э.Халилов, Мудофаа вазирлигида ушбу муассаса раҳбари Қ.Ғуломов билан ҳам музокаралар ўтказди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

*Бугуннинг гапи*

## ОГОҲЛИК Ватанни асрайди

Олам тин олган маҳалда, одамлар тин олаётган маҳалда кимдир-биров, албатта, уйғоқ, сергак турмоғи керак, дейилади бир ривоятда.

Ҳурматли Президентимизнинг Олий Мажлис еттинчи сессиясида сўзлаган нутқларини эшитиб, сўнг ўқиб кўриб, мен ўзимга яна бошқача хулоса қилдим. Ўзимга ўзим, бу замонда тоғу-тошларнинг туйнугиданми яъжуз-маъжуз мисоли мўралаб турган, оғзию қўли қонга ботган нусхалар бор эканки, ҳамиша уйғоқ бўл, деб ўгит қилдим. Ва таниш-билишларимга, теварак-атрофимиздагиларга ҳамиша сергак, сезгир бўлмоқ лозим, деб қайта-қайта тайин қилмоқдаман.

Сезгирлик нима? Сезгирлик қўлга таёқ олиб дарвозага боқиб ўтириш, деган жўн гап эмас. Ёки, мен ҳаммани хушёрликка чақираяпман, эшитмадим деманглар, қабилидаги жарчилик, ноғора қоқиш ҳам эмас. Сезгирлик, ёв кучларга кўнгилни чалғитмасликдир. Ёв — айёр, маккор. У ишини кўнглингга қўл солиб кўришдан бошлайди. Юрагингни, қалбингни ўғирлаш, забт этиш пайида бўлади. Муддаосини минг пардозга ўраб, товланиб, товлаб сотишади. Бугун Яратган сенга насиб этиб турган осойишта кунингни, ризқу-рўзингни бошқача талқинлар гирдобида айлантирмоқчи бўлади.

Ана шундай талқинларга лаққа учиб, хаёлини ўғирлаётганларни кўраяпмиз. Не бир бегона оқимларга ғарқ бўлган фарзандларининг доғида куйиб эл олдида юзи шувит бўлган, ҳатто, умри хазон бўлган ота-оналарни кўраяпмиз.

Бугун бўлса уч-тўрт йил ичида неча минглаб бегуноҳ бандаларнинг, аёллар ва болаларнинг ёстиғини қуритишга улгурган, бутун сайёрамизга қора булут бўлиб қўланка ташлаган ўша кимсалар яъжуз-маъжузлар, «амирул-мўмин»ликни даъво қилаётган эмиш. Бу даъвони эшитиб, тўғриси, баданим жимирлаб кетди. Қулоқларимга илон ўрмалагандай бўлди. Ахир ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ўз киндик қони тўкилган юрти бор-ку. Ҳар бир юртнинг ўз соҳиби, эгаси бор-ку, ўзини асл мўмин, деб билганларнинг қалбида юрт — Ватан туйғуси, қўни-қўшни, ҳамсоя-овулга бўлган меҳр-муҳаббати бор-ку.

Ўша «даҳо-даъвогар»ларга бизнинг ўз сўзимиз, муносабатимиз бор. Бугун бизнинг кўзимиз очиқ. Кўриб турибмиз, эзгулик нима-ю, ёвузлик нималигини.

Мен, лекин бари-бир, бир нарсадан ҳадиксирайман. Дарахтнинг қурти ўзидан чиқади, деган мақол бор. Ёшлик бўлар, тушунмовчилик, ғофиллик бўлар, ишқилиб, одамларимиз ичидан ола чиқмасин. Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини бир-бирларига меҳрибон бўлишга даъват қилганлар. Жаннатнинг калити мўминнинг мўминга меҳрибонлик кўрсатишида, деганлар. Меҳрибонлик нима? Меҳрибонлик — адолат, ҳалоллик, аҳиллик, мискинларга қувват бўлишлик. Кўнгилларни сергаклик, сезгирлик сари ундаш. Қалбидаги ғурури, диёнатини ҳимоя қилишга ожиз одам, бошқаларнинг манфаатини, яхшиликни ҳимоя қилолмас. Диёнатига дарз етган одам шайтон васвасасига учади. Диёнатимизга посбон бўлайлик. Ана шундагина, ҳақиқатни ёлғондан, дўстни душмандан ажрата оламиз. Янглишмаймиз. Адашмаймиз.

**Тоштемир ТУРДИЕВ,**
**филология фанлари номзоди.**
**Сурхондарё вилояти.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**● Бугун Германия бундесвери ҳарбийларининг Афғонистонга келиши кутилмоқда. Улар БМТнинг Кобулдаги тинчликпарвар миссиясига келиб қўшилишади. Бу ҳақда ГФР мудофаа вазири Рудольф Шарпинг якшанба куни қарор қабул қилган эди. Унга кўра 100 нафардан иборат ҳаво-десант аскарлари Кобулда жойлашади.**

**● Сингапурда ҳибсга олинган 15 киши террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳи билан алоқада айбланишмоқда. Улар муҳим стратегик иншоот ва чет эл элчихоналарини портлатмоқчи бўлганлар. Айбланувчилар орасида давлат ҳарбийлари ҳам бор.**

**● Кеча Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Покистон пойтахти Исломободга ташриф буюриб, Покистон раҳбари Парвез Мушарраф билан музокара олиб борган. Тони Блэр учрашувдан кейинги матбуот анжуманида Покистон ва Ҳиндистон муносабатлари ҳақидаги саволларга жавоб бера туриб, жаҳон ҳамжамияти Афғонистон билан боғлиқ муаммоларга ҳам ўз эътиборини сусайтирмаслиги лозимлигини таъкидлади. «Афғонистонга нисбатан бўлган 12 йил аввалги эътиборсизлигимизнинг оқибатлари қандай бўлганлигини бир эслаб кўрайлик. Зеро, чет мамлакатлар фаол бўлмаса Афғонистон яна террорчилик ўчоғига айланиши мумкин», деди Блэр.**

**● Италия Бош вазири Сильвио Берлускони якшанба куни ташқи ишлар вазири сифатида қасамёд қабул қилди. Италия президенти Карло Адзелио Чампи Берлускони билан учрашиб, ҳозирги вазиятни муҳокама қилишган. Собиқ ташқи ишлар вазири Ренато Руджеро ўтган ҳафтанинг шанбасида истеъфога чиққан.**

**● Якшанба куни кечқурин Японияда зилзила рўй берди. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,6 баллга тенг бўлди. Япония метеорология агентлиги мутахассисларининг фикрича, зилзила маркази Токио яқинидаги Ибраки ва Тосили ҳудудларида жойлашган. Вайронагарчилик ва қурбонлар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ.**

**● Якшанба куни АҚШнинг Филадельфия штатида ғалати авиа ҳалокат юз берди. Чарлз Бишоп Тампа шаҳридаги 42 қаватли «Bank of America» биносига енгил самолёт билан келиб урилган.**

**Лекин воқеа тафсилотлари тўлиқ эълон қилинмаяпти. Полиция унинг террорчиликка алоқаси йўқлигини таъкидламоқда.**

**Бу ҳодиса дам олиш куни содир бўлгани боис, «Bank of America»нинг ходимларига ҳеч қандай зарар етмаган.**

«Интернет» хабарлари асосида
Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.

## ҚИЗИЛҚУМНИНГ ОЛТИН ҚУМИ

"Зарафшон—Ньюмонт" қўшма корхонаси Ўзбекистон—Америка давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бундан 40 йил илгари Ўзбекистон олтин қазиб олиш саноатига тамал тоши қўйилган бўлса, истиқлол йилларида бу муҳим саноат тўла қувват билан давлатимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қила бошлади. Президентимизнинг мунтазам эътибори ва саъй-ҳаракатлари боис Қизилқум бойликларини ўзлаштириш, бу муҳим соҳага энг замонавий технологияларни жорий этиш борасида дадил қадамлар қўйилди.

Хусусан, 1992 йилнинг 16 январь куни Американинг "Ньюмонт майнинг корпорейшн" фирмаси билан Навоий кон-металлургия комбинати ўртасида Мурунтовда иккиламчи чиқиндидан олтин олишни йўлга қўйиш ва "Зарафшон—Ньюмонт" қўшма корхонасини қуриш ҳақидаги протоколга имзо чекилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилгач, Мурунтовда қурилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Бир кеча-кундузда 40 минг тоннагача чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга хориж технологияси келтирилди. Зарафшон қурилиш бошқармаси, "Жанубсаноатмонтаж" ҳамда "Вайтман инжиниринг" ташкилотларининг саъй-ҳаракати билан қурилиш ишлари 18 ойда тугалланди. Лойиҳани амалга оширишда Американинг "Ньюмонт-голд" компанияси ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси, муҳандис-олимларининг ҳам хизмати катта бўлди.

Зарафшон шаҳридаги "Олтин водий" маданият саройида бўлиб ўтган тантанали маросим ушбу корхона ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишланди. Олтинтопарлар кошонаси қўшма корхона ишчи-хизматчилари, республикамиз пойтахти ва хориждан келган меҳмонлар билан гавжум бўлди. Маросимда сўзга чиққанлар корхонанинг қисқа даврда босиб ўтган йўлига юксак баҳо берди. Бир гуруҳ илғорларга совғалар топширилди. Маросим сўнгида шаҳар бадиий жамоаларининг қизиқарли концерт дастури намойиш этилди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ГРИГОРЯННИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Машҳур боксчимиз Артур Григорян Германиянинг Магдебург шаҳрида Жаҳон бокс ташкилоти — WBO йўналиши бўйича 61,23 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпионлигини ўн бешинчи марта ҳимоя қилди. У мексикалик рақиби Рокки Мартинесни саккизинчи раундда техник нокаутга учратди. Бунгача Р.Мартинес ўттиз олти ғалабага эришган бўлиб, олти марта мағлубият аламини тотиб кўрган эди.

Артур Григорян бутун фаолияти давомида умуман мағлубиятга учрамаган кам сонли профессионал боксчилардан ҳисобланади. У юртимиз байроғи остида жаҳон рингларида ўттиз тўртта жанг ўтказиб, шулардан барчасида ғалаба қозонган ҳолда, рақибларини йигирма икки марта муддатидан олдин таслим этган.

Юртдошларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари, шода-шода медаллари мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганининг натижасидир. Хусусан, кейинги йилларда юртимизда кўплаб спорт турлари қатори бокс ҳам тобора равнақ топиб бормоқда. Бунга ҳаваскор боксчилар ўртасида барча тоифадаги нуфузли мусобақа ва чемпионатларда ғалаба қозонган Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, Қувончбек Тойғонбоев каби спортчиларимизнинг Артур Григорян изидан бориб, профессионал боксда ҳам катта зафарларга эришаётгани мисол бўла олади.

Албатта, етишиб келаётган бу ёшларимиз келажакда жаҳон рингларида акаларининг ғалабали одимларини давом эттириб, юртимиз байроғини сарбаланд этишига ишончимиз комил.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## Заводда кичик корхоналар

Шоли оқлаш корхонаси сифатида танилган «Шуҳрат» ҳиссадорлик жамияти Сирдарё вилоятидаги йирик корхоналардан саналарди. Вилоятда шоли етиштириш камайгач, корхона таркибида нон ва нон маҳсулотлари, қандолатчилик цехлари очилди. Натижада ишчи ўринлари тўлалигича сақланибгина қолмай, янги иш ўринлари ҳам очилди.

## ОРЗУЛАР МАВЖИ

*Публицистика*

Соатнинг қисқа ва узун тиллари жуфтлашади-ю, сўнг «чиқ» этган товушни эшитамиз. Ана шу товуш, ана шу сас бизнинг ҳаётимизда кескин бир бурилишлар ясашига ишониб қолганмиз. Биз бу кунни, бу лаҳзаларни интиқ кутамиз. Чоп-чоплар, тараддудлар, куйди-пишдиларнинг бари ана шу лаҳзаларни кутишга, муборакбод этишга сафарбар этилган бўлади.

Янги йил! У ҳар биримизнинг юрак буржларимизга қувонч дея аталган, умид деб номланган туйғуларни олиб киради. Бу байрам шундай байрамки, ёшимизга ёш қўшилганини, умримиз уфқи сари яна бир қадам ташлаганимизни билсак-да, бундан сира-сира озор чекмаймиз.

Янги йил умидлар, орзулар дарвозасидир. Бу байрам ниятлар денгизидир. Кўнгилда минг битта умид ниҳоллари барг ёзади. Бу ниҳол баргларининг бўйини туйган кўнгил роҳатдан зимиллайди. «Янги йилдан бошлаб бошқача яшайман... Чекишни ташлайман... Энди аҳён-аҳёнда бўлса-да оғзимга бир хўплам ҳам ичкилик олмайман... Бу йил ўғлимни уйлантираман...»

Кимдир иморат солишни, бошқа бирови эл олдига дастурхон ёзишни юрагига тугиб қўйди. Янги йил оқшомининг энг буюк, энг лазиз неъмати аслида шу эмасми?

Қор билан қопланган дала. Дала адоғида қишлоқ. Қишлоқ четида мирзатераклар қаторлашган бир уй. Уйнинг мўрисидан буралиб-буралиб кўкка тутун ўрмалайди. Чўян печкада кўмирнинг чўғи ланғиллайди. Димоққа боягина сўйилган қирқма қовуну омбордан ҳозиргина олиб чиқилган кузги олмаларнинг ҳиди урилади. Болаларнинг қий-чуви сира адоғ билмайди. Ота ўзича пўписа қилади. Болалар бу пўписанинг мисоли пахтавон ўқ эканлигини сезганларидан, кўп ўтмай яна бақир-чақир билан уйни бошларига кўтаришга киришади.

Тандирдаги ғўзапоя чўғидан уй бекасининг юзлари ол рангга кирган. Нонлар қизариб пишмоқда. Кулчалар бўғриқиб етилмоқда. Жувоннинг кўксида хурсандчилик типир-типир қилади. Лабларида табассум «лип-лип» этади.

Дала. Оқлик. Дарахтлар бир кўриниб, бир яшириниб турган қуёшнинг тафтига беписанд бир алфозда булдуриққа ўралиб, мудраб ётибди. Ҳовлидан оқиб ўтган ариқнинг фақат зийлари муздан қирмоч бойлаган. Сув чулдирайди. Сувда-да ажиб бир шодлик зоҳир бўлади. Бўғотдаги мусичалар совуқдан жунжикиб, патларини ҳурпайтириб олишган. Уларнинг «ку-ку»ларида безовталик нишоналари сезилмайди. Бу хонадон янги йилнинг илк кунларини ўтказмоқда. Ҳадемай ҳовлини пиёздоғ ҳиди тутиб кетади. Ким билсин, балки улар бу оқшомни фақат ўзлари кутиб олишар. Эҳтимол, уларникига қай бир азиз меҳмонлар ташриф буюради. Гап бунда эмас. Гап юракда қайнаётган орзулар мавжи-ю, тилларнинг учида типирчилаётган тилакларда. Бу тилаклар ҳадемай кўз ёради. У қанот чиқариб кўнгил қўноқларидан жой топади.

Қишлоқ четидаги бир уй. Уни булдуриқ босган яланғоч тераклар қучоқлаб олган. Қуёш ва Ой оралиғида ястаниб ётган, ойдан нур, офтобдан ҳарорат эмган бундай гўшалар юртимизда минглаб, миллионлабдир.

Ана шу гўшаларда яшовчиларнинг ҳар бири шу оқшом, шу кеч ўтган умрини кўнглида хомчўт қилиб кўради. Яратган ҳар биримизга кўрарга кўз, юрарга оёқ, ўзгаларни қуллаш учун қўл ато қилган. Кейин жисмимизга кўнгил деган бир туйғуни жо қилганки, бизни ана шу кўнгил деганлари ҳаёт долғаларидан ўз умид отига миндириб олиб чиқади.

Қиш изғирини байрам дастурхонига қўйилган қандларнинг ялтироқ қоғозларини учириб кетади. Байрамга дамланган ошларнинг пиёздоғ бўйлари қайларгадир бадар кетади. Осмонда энди отилган мушакларнинг изларини тополмаймиз. Бироқ кўнгилнинг тубида, қулоқларимиз остида, юраклар қатида умид чечаклари гуркираб ўса бошлайди. Негаки барчамиз соат миллари жуфтлашгач, янги бир тушунча юртига қадам босдик. Биз бу юртга ўзимизни чоғлаб, ўзимизни поклаб, ўзимизни ростлаб кириб келдик. Кўнглимиз эзгуликка қучоқ очиб турибди. У яхшилик аталмиш туйғуларнинг қўлларидан маҳкам тутиб олган. Кўнглимиз фақат тоза ниятларнинг кўзларидан бўса олишга шайланмоқда.

Нега биз бу оқшомни, бу байрамни бу қадар суйганимиз-суйган? Биламизки, кўп ўтмай далв ойи ҳам етиб келади. Изғиринли кунлар пок ният билан уйғонаётган куртаклар қичқириғига дош беролмай қолади. Кунгай бир тепаликда кимдир, нимадир қиқир-қиқир кулганини эшитамиз. Қарасак, у момоқаймоқ бўлиб чиқади. Қарасак, у икки эн майсалар орасидан сизу бизга иймманибгина «салом бераётган» бўлади.

Мана, янги йилнинг етти куни ҳам ортда қолди. Совуқ кунлар юмаланиб кетадимикин. Вақт кўклам сари югуриклаб қолдими. Ўша югуриклаётган вақт ўз елкаларида сизу бизнинг умидларимизни опичлаб олган.

Яқинларингизга бахт тиланг! Кўни-қўшнингизга фақат яхшилик соғининг. Сизнинг тилакларингиз, ниятларингиз уларнинг юрагини қуёш каби иситиб турсин. Энг эзгу тилаклар билдирган одамнинг кўнглида ҳамиша ой яшайди. Ойнинг нурлари юрар йўлингизни, борар манзилингизни оппоқ нурлари билан шундай силаб-сийпалайдики, бирдан бу тириклик, бу ҳаёт аслида бахтнинг ўзи эканлигига имонингиз комил бўлади.

Ва сиз бахтли бўлиш қандай осон, қандай жўн эканлигини янада яхшироқ англаб ета бошлайсиз. Сизнинг бахтингиз бизларга ўтиб, бизларга кўчиб, шундай бир ҳалқа ясайдики, унинг таърифига сўз топиш асло мумкин эмас.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» махсус мухбири.**

*Танишинг: Президент Давлат стипендиатлари*



## ФАНИМИЗНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДИ

### жамиятнинг ҳақиқий бойлигидир

**Улар шу кун элга танилишди.**

**Улар шу кундан бошлаб машҳур бўлишди.**

**Ўз меҳнатлари, бажарган ишлари, олиб борган тадқиқотлари самараси эди бу. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлигига эллик етти нафар даъвогар аспирантнинг энг сараси, энг муносиби эди.**

**Мана, тўққиз йилдирки, Фан ва техника давлат комитети ҳузурида ташкил этилган махсус эксперт комиссияси ҳамда Давлат стипендияларини тайинлаш комиссияси Президентимизнинг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида учинчи ўқув йили аспирантлари орасидан Давлат стипендиатларини танлов асосида аниқлаб келмоқда. Янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев Фан ва техника давлат комитетида 2002 йилги Давлат стипендиатларига диплом топширар экан, бир фикрни алоҳида таъкидлади: «Янги йилдан сизларнинг номларингизга янги унвон қўшилади — «Президентнинг Давлат стипендиати», деган. Унинг масъулияти улуғ, унутманглар».**

Президент Давлат стипендиатлари ҳақидаги суҳбат билан газетанинг 3-бетида танишасиз.

# ТИНЧ КУНЛАРНИНГ МЕВАСИ ТОТЛИ

**Янги мингйилликнинг биринчи йилини Ўзбекистон халқи қандай кутиб олди ва нималарга эришди? Қуйида шу ҳақда мухтасар фикр юритишни лозим топдик.**

*Мулоҳаза*

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Америка Қўшма Штатларида рўй берган мудҳиш террористик хуруждан кейин дунёда сиёсий вазият ўзгарди. Янги вазият жаҳонда бир неча ўн йиллар давомида шаклланган сиёсий, иқтисодий қарашлар ва тамойилларни қайтадан мушоҳада қилиш заруриятини кун тартибига қўйди. Дунё сиёсий ва иқтисодий сиёсатининг янги мезонлари ва йўналишлари вужудга кела бошлади.

Маълумки, сиёсат ва иқтисодиёт ҳаёт тарозисининг икки палласидир. Модомики шундай экан, қайси жамиятда, давлат ва жамоада ушбу тарозининг мувозанати бузилса, ўша ерда норозилик, нотинчлик ва иқтисодий пасайиш рўй беради. Дарҳақиқат, дунёда вужудга келган бугунги сиёсий вазият ҳар бир давлат раҳбари ва халқидан халқаро майдонда рўй бераётган воқеаларга теран кўз билан қарашни, уни объектив баҳолаш ва ўз муносабатини билдиришни талаб қилиб, оқилона сиёсат юритишни тақозо этмоқда.

Терроризм биз учун янгилик эмас. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг 1997 йилда чоп этилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида терроризмнинг инсоният ва маданий цивилизация учун нечоғли хавфли иллат эканлигини батафсил кўрсатиб бериб, жаҳон афкор оммасини яна бир бор огоҳликка чақирган эди. Сўнгги пайтларда халқаро майдонда юз берган воқеалар бундан тўрт йил олдин бу оқилона, узоқни кўзлаб қилинган даъватнинг нақадар тўғри бўлганлигини яна бир карра тасдиқлади.

Юқорида айтилганидек, бултур, 11 сентябрда Америкада амалга оширилган қонли террорчилик хуружидан кейин жаҳонда деярли барча давлатлар олдида танлаш муаммоси ҳам пайдо бўлди. Айниқса, бир неча ўн йиллик уруш ва нотинчлик ўчоғига айланган Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар учун осон кечгани йўқ.

Ҳар бир давлат халқаро терроризмга ўз муносабатини аниқ белгилаши лозим эди. Бу муаммонинг ғоят мураккаблиги шунда эдики, у давлатимиз ва халқимизнинг бугунги ҳаёти ва келажаги билан бевосита боғлиқ эди.

Шукурки, Юртбошимиз бу ўта мураккаб вазиятда жуда донолик билан йўл тутиб, давлатимизнинг принципиал позициясини қатъий белгилаб берди. Ўзбекистон ҳукумати Афғонистондаги халқаро террорчи гуруҳларга қарши бошланган халқаро курашни қўллаб-қувватлади. Ва бу билан яна бир бор Ўзбекистон оқилона ташқи сиёсат юритаётганини дунё аҳлига исбот қилди.

Ана шу сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрўси янада ошди, халқимизни ҳар хил бало-қазодан Оллоҳнинг ўзи асради ва йилни хотиржамлик ва осойишталик билан кузатдик. Булар бизнинг сиёсий соҳада эришган ютуқларимиздир.

Терроризм — иқтисодий тараққиёт душмани. Террористик хуружлар амалга оширилган давлатларда катта зарар кўрилиши, сиёсий вазият мураккаблашуви ва иқтисодиётда милитаристик тенденциялар пайдо бўлиши сир эмас. Масалан, дастлабки маълумотларга кўра, 11 сентябрь куни АҚШда амалга оширилган қонли хуруж мазкур мамлакат иқтисодиётига 6,7 млрд. доллар миқдорида зарар келтирган ёки Афғонистондаги "Толибон" ва "Ал-Қоида" каби халқаро террористик ташкилотларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида Америка томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатларнинг бир ойлик харажати тахминан 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этганлиги, кейинги пайтларда АҚШ иқтисодиётида ўсиш суръатининг пасайишидан терроризмнинг иқтисодий барқарорлик учун қанчалар катта хавф эканлигини англаш қийин эмас.

2001 йил мамлакатимиз иқтисодиёти учун баракали йил бўлди. Сабаби — халқаро террор хуружи туфайли дунёда юзага келган мураккаб сиёсий вазиятда иқтисодиётдаги ўсиш тенденцияси нафақат сақлаб қолинди, балки янада кучайтирилди. Масалан, 9 ойлик якун бўйича ялпи ишлаб чиқариш 4,5 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 14,2 фоизга, ташқи савдо айланмаси 6,6 фоизга ва экспорт 5,6 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигига икки йилдан бери таҳдид солаётган қурғоқчиликка қарамасдан, бу соҳада ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш 10,4 фоизга ошди. Хусусан, дон етиштириш ўтган йилга нисбатан 1,4 фоизга, сабзавот 1,7 фоизга, полиз маҳсулотлари 1,2 фоизга ўсганлиги мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётганлигига яққол далил бўла олади.

Шу ўринда яқиндагина ўз маҳсулотини бера бошлаган Шўртан газ-кимё мажмуи, нафақат мамлакатимизда, балки минтақамизда ҳам бундай йирик саноат корхонаси ягонадир. Уни бунёд этиш учун салкам 1 млрд. АҚШ доллари сарфланди. Фақат иқтисодиёти бақувват, эртанги кунига тўла ишонган давлатгина ана шундай йирик қурилишлар қилиши, улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириши мумкин. Бу янги саноат мажмуи мамлакатимиз иқтисодиётининг йирик локомативига айланиши, шубҳасиз.

Бундай иқтисодий муваффақиятларга эришиш, айтиш жоизки, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ва унинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг устувор йўналишларининг аниқ белгиланганлиги эришилган ютуқларнинг гарови бўлди, десак, янглишмаймиз.

Белгиланган устувор йўналишларга кўра, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Масалан, давлат мулкини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш натижасида бугунги кунда иқтисодиётда хусусий корхоналар салмоғи 50 фоизга яқин, фермер хўжаликлари 14 фоиз, давлат корхоналари 12 фоиз, акциonerлик жамиятлари 5 фоиз, қўшма ва чет эл корхоналарининг салмоғи 2 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, жамиятимизда мулкдорлар синфи шакллантирилди ва иқтисодий рақобат учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди. Мисол учун, бугунги кунда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизидан ортиғи, чакана товар айланишининг 96 фоизи, саноат маҳсулотининг 60 фоизидан зиёди, меҳнатга лаёқатли барча аҳолининг 70 фоизидан ортиғи нодавлат секторга тўғри келмоқда. Кичик ва хусусий бизнес ҳам фаол ривожланмоқда.

Иқтисодиётни бошқаришнинг моддий манфаатдорликка, мулкдор-эгалик ҳиссига асосланган ва иқтисодий қонунлар талаби асосида бошқариладиган тизими янада шакллантирилди. Ишлаб чиқаришга оид муносабатларни ўз-ўзини тартибга солиш, яъни бозор ва давлат томонидан тартибга солишнинг яхлит механизми такомиллаштирилди. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг базавий асослари яратилди.

Лекин бу — иқтисодиётимиздаги барча муаммолар ҳал этилди, дегани эмас. Масалан, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклиф, жамғарма ва инвестиция каби муҳим иқтисодий нисбатларни янада юқори даражада мувофиқлаштириш, тармоқлараро ва ҳудудлараро мутаносиб ривожланишнинг механизмини тўлиқ шакллантириш ва улар негизида макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш энг долзарб масалалар ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат ихтиёридаги йирик ва ўрта миқёсдаги корхоналарни хусусийлаштириш ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида (2001 йил 17 июль) сўзлаган нутқида заруратни назарда тутиб, «... Давлатнинг мустақиллиги — бу нафақат сиёсий, балки, энг аввало, иқтисодий тушунчадир. Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади», деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги шароитда давлатнинг мустақиллиги, аввало, унинг иқтисодий мустақиллигида, иқтисодий салоҳиятининг юксаклигида кўринади. Иқтисодий мустақилликка эса, макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодий барқарорлик орқали борилади ва ўшандагина иқтисодий ўсишга эришилади.

Биз ушбу муваффақиятларга тинчлик ва осайишталик шароитида эришдик. Юртимизда тинчлик доимо барқарор бўлишини Яратгандан тилаган ҳолда, айтишимиз мумкинки, меҳнаткаш халқимиз тинч ва хотиржам бўлса, нафақат келгусида ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этади, балки янада юксак натижаларга эришишига шубҳа йўқ.

Замон ва дунё ўзгармоқда, унга мос равишда одамларимиз ҳам ўзгармоқда. Юртимиз юксалмоқда. Шу боис ҳозирги шиддатли дунёда рўй бераётган воқеалар шитоби мамлакатимизнинг тинчлиги ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун ҳар биримиздан нафақат серунум меҳнат қилишни, балки Тинчликдек улуғ неъматни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаш ва атрофимизда рўй бераётган воқеаларга ҳушёрлик билан ёндашишни тақозо этмоқда.

**Одил ҲАМРОЕВ,**
**Отабек МАНСУРОВ,**
**иқтисод фанлари номзодлари.**

## Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Яқинда Марказий банкнинг Сирдарё вилоят бўлимида Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги ва «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган вилоят молия бошқармаси, солиқ идоралари, тижорат банклари, вилоят бозор инфратузилмалари раҳбар ва мутахассислари ҳар иккала қонун лойиҳалари муҳокамасини яхши ўтказиш, бу ишга кенг оммани, шунингдек, банк мижозларини ҳам жалб этиш тўғрисида ўз таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Янги йил туҳфаси*

## БЕКТЕМИР БАРЖАСИ

Тошкентнинг шарқий қисмида жойлашган Бектемир — пойтахтимизнинг энг кенжа туманларидан ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг бу туман қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Чирчиқ дарёси бўйидаги ўн беш гектарлик деҳқон бозори, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори, унинг ёнидаги 400 метрлик улкан кўприк ва бошқа бир қатор замонавий иншоотлар фикримизнинг далилидир. Бугун улар туман кўркига-кўрк бағишлаб турибди.

Яқинда туман бунёдкорлари яна бир улкан қурилиш ишларини якунлашди. Чирчиқ дарёсининг «Қўйлиқ» автомобиль йўли кўпригига яқин қисмида салкам 400 куб метрлик тупроқ, 3792 куб метрлик бетон ишлари бажарилиб, умумий узунлиги 160 метрлик сув тўплаш баржаси барпо этилди. Бунинг учун эни қарийб 250 метр келадиган дарёнинг қирғоқлари бир неча метрга қисқартирилиб, унинг ён-атрофлари бетонлаштирилди. Бу ишни "Паркентсувқурилиш" ҳиссадорлик жамияти жамоаси амалга оширди.

—Агар эътибор берган бўлсангиз, бундан бир неча ой аввал дарёнинг икки қирғоғи қисми ҳам корхона ва ташкилотларнинг ахлат ташлаш жойига айланиб қолганди, — дейди туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Аҳмаджон Расулхўжаев. — Эндиликда бу жойлар бутунлай обод қилинди. Гап шундаки, баҳор, куз ва қиш ойларида, айниқса, бу ерда сув ниҳоятда мўл бўлади. Барпо этилган баржамиз эса юз бериши эҳтимоли бўлган сув тошқинларининг олдини олибгина қолмай, ёз мавсумида қисман бўлса-да бу ерда сув тўплаш имконини ҳам беради. Бу эса саратон кунларида нафақат туманимиз, балки шаҳримиз об-ҳавосининг мўътадиллашувига ҳам хизмат қилади.

— Ўрни келганда, яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Янги йилдан бошлаб бундай баржалар сонини 7 тага етказилади. Бу баржалар асосан «Қўйлиқ» автомобиль йўли билан «Оҳангарон» катта йўли устидан ўтган кўприк оралиғида барпо этилади. Бундан ташқари, ушбу гўшада кийим-кечак бозори, меҳмонхона, кемпинг ва бошқа маиший хизмат шохобчалари ҳам ишга туширилади. Буларнинг ҳаммаси шаҳримиз аҳолисидан ташқари Фарғона водийси томон отланган йўловчилар учун ниҳоятда қулай шароит яратади. Ирмоқлари тўлиб-тўлиб оқадиган азим дарё эса кишилар қалбига ўзгача руҳ, кайфият бағишлайди.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳам маҳсулот, ҳам иш ўрни

Элликқалъалик матлуботчилар бир кеча-кундузда бир тонна макарон, шунингдек, бошқа турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик шохобчани ишга туширдилар. Шохобча илк кунлариданоқ ўзининг муносиб харидорларини топмоқда.

Янги йил арафасида «Нукус-Тошкент» автомобиль йўли ёқасидаги Қилчиноқ қишлоғида замонавий савдо ҳамда овқатланиш маскани ҳам фойдаланишга топширилди.

— Мақсадимиз рақобатли бозор жараёнида ўз ўрнимизни топишдан иборат, — дейди «Қорақалпоқтутиниу» ҳиссадорлик уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Гулмирза Йўлдошев. — Байрам кунлари мижозларимиз кўплаб қишлоқларда янги савдо нуқталари хизматидан фойдалана бошлайдилар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 8 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 356,89 |
| 1 Австрия шиллинги | 44,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 994,01 |
| 10 Бельгия франки | 153,04 |
| 1 Голландия гульдени | 280,15 |
| 10 Греция драхмаси | 18,13 |
| 1 Дания кронаси | 82,91 |
| 1 БАА дирхами | 187,38 |
| 1 АҚШ доллари | 688,18 |
| 1 Миср фунти | 150,92 |
| 10 Испания песети | 37,10 |
| 100 Италия лираси | 31,88 |
| 1 Канада доллари | 431,60 |
| 1 Хитой юани | 83,15 |
| 10 Люксембург франки | 153,04 |
| 1 Малайзия ринггити | 181,12 |
| 1 Германия маркаси | 315,65 |
| 1 Польша злотийси | 176,46 |
| 1 СДР | 867,48 |
| 1000 Туркия лираси | 0,49 |
| 1 Финляндия маркаси | 103,83 |
| 1 Франция франки | 94,12 |
| 1 Швейцария франки | 417,71 |
| 1 ЕВРО | 617,37 |
| 10Жанубий Корея вони | 5,29 |
| 10Япония иенаси | 52,63 |
| 1 Россия рубли | 22,83 |
| 1 Украина гривнаси | 129,88 |

****/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***



Мамлакатимиз молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳисобига ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаб, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Қиргули туманидаги «Мўминжон» хусусий фирмаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Халқ банкининг туман бўлимидан тўрт миллион сўм кредит олиб иш бошлаган жамоада айни пайтда харидоргир гўштли консервалар тайёрланмоқда. Улар ўзининг мазалилиги ва сифатлилиги билан хорижникидан қолишмайди.

***Суратда:** ишчилардан Саломатхон Қаландарова ва Маъмурахон Қаландаровалар тайёр маҳсулотларни савдога жўнатиш олдидан кўздан кечиришмоқда.*

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**



## ЦИРКДА БАЙРАМ ШОУСИ

Бу ерда ҳар йили қишки таътилда қизиқарли томошалар тақдим этилади. Ҳатто, 1999-2000 йиллардаги бинонинг таъмирланиш жараёнларида ҳам улар тўхтагани йўқ. Янги дастурлар болаларни эртаклар оламида сайр қилдиради, уларга кутилмаган совға-саломлар улашади. Масалан, ўтган йили «Санта Клаус» деб аталган томоша берилган бўлса, бу йил «Телепузикларнинг янги йил саргузаштлари» номли Янги йил шоуси кичкинтойлар қалбига олам-олам севинч бахш этмоқда. Салбий ва ижобий қаҳрамонларнинг саргузаштлари асносида болаларга ғаройиб ва кулгили спектакль тақдим этилади.

— Томошалар бир кунда 4-5 мартадан бериб борилмоқда. Ҳар бир спектаклда камида 2000 га яқин томошабин завқ билан қатнашмоқда, дейди бош директор ўринбосари Раҳматилла Шерматов.

Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида янги йил томошалари қизигандан қизимоқда. Кўчалар, хиёбонлар байрам руҳи билан безанган. Агарда ушбу байрам тантаналари танловга қўйилса, айнан циркдаги томошалар етакчи ўринни эгаллаши, шубҳасиз. Чунки бу ерда нафақат байрам арафасида, балки доимий томошаларда ҳам ажойибу-ғаройиб масхарабозлар, дорбозлар, ўргатилган ҳайвон ва қушларнинг ҳунарлари кишини ўзига жалб қилмай қўймайди.

Хуллас, томошалар 13 январгача давом этади.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШАХС

ПАРЛАМЕНТ томонидан 2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши мислсиз ислоҳий қадам бўлди. Мазкур қонун собиқ совет тузуми даврида жорий этилган тоталитар жиноий жазо тизимига чек қўйди. Халқимизнинг давлатга, унинг, адлия, суд ва тергов идораларига ишончини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. Эндиликда эркинлаштириш ва муносабатларнинг ошкоралиги шароитида фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида фаоллик намоён этиш имкониятлари вужудга келди.

Янги қонуннинг туб моҳияти — Жиноят кодексидаги озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатларини қисқартириш, уни айрим ҳолларда жарима билан алмаштириш орқали жиноий-ҳуқуқий жазоларни енгиллаштиришдан иборат. Афсуски, шу пайтгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари (судья, прокурор, терговчи) онгида «одамларни қанчалик кўпроқ қамасак, уларга оғирроқ жазо берсак, жиноятчилик шунчалик камаяди», деган нотўғри тушунча ҳукмрон эди. Аслида, биз кучимизни аҳолини, айниқса, ёшларни тарбиялашга, уларга чуқур билим ва замонавий маърифий таълим беришга сафарбар этсак, самара кўпроқ бўлиши аниқ.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда», деган сўзлари айни ҳақиқатдир. Озодликдан маҳрум этишнинг маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаси сифатида самараси камлиги кўпгина илмий тадқиқотларда тасдиқланган бўлиб, жазонинг ушбу чоралари мазмунида аввал бошдан мавжуд бўлган салбий жиҳатлар изоҳланади. Ўзига хос муҳит таъсирида ижтимоий алоқаларнинг узилиши, оилаларнинг бузилиши, мавжуд ижобий қадриятларнинг ўзгариши, шахснинг маънавий жиҳатдан ажралиб қолиши, тушкунлик ҳолатига дучор бўлиши, маҳалладан бегоналашуви, ўсмирлар ўртасида безориликнинг, жазони ўташ жойларида такрорий жиноятларнинг кўпайиши — буларнинг барчаси озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллашнинг айрим салбий оқибатлари, холос. Ушбу оқибатлар мазкур жазо чораларининг тарбиявий имкониятини кескин камайтириб юборди. Юртбошимиз бир неча бор таъкидлаганидек, жиноячиликка қарши кураш барча иқтисодий, ижтимоий ва тарбиявий омиллар ҳаракатга келтирилгандагина самарали бўлади. Шу боис аввалги қонунларда мавжуд бўлган жазолаш йўналишининг кучайиши, умуман олганда, ижтимоий муносабатларнинг демократлашувига мос келмас эди.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш институтининг мазмунига киритилган ўзгаришлар ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан. Улар шахснинг «жазоланиши» ва «тўғри йўлга қайтиши» ҳодисалари ўртасидаги нисбатга жиддий таъсир кўрсатди ва бу билан жазонинг қаттиқлик даражаси анча пасайди.

Айбдор содир этган жинояти учун ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган жиноятлар рўйхатини қисқартириш ва ушбу турдаги жазони 60 ёшдан ўтган эркаклар, аёллар ва 18 ёшгача бўлган шахслар жиноят содир этганда тайинлаш тақиқлангани катта инсонпарварликдир, албатта. Президентимиз таъкидлаганидек, «фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш... халқимизнинг ўзига хос бетакрор ва бебаҳо фазилатларидан ҳисобланади».

Қонундаги яна бир муҳим янгилик: томонларнинг ярашуви институтидир. Унинг миллий қонунчилик даражасида жорий этилишини давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатидаги ҳал қилувчи бурилиш деб эътироф этиш лозим. Томонлар ярашуви янги ҳуқуқий ҳодиса бўлишига қарамай, чуқур тарихий илдизга эга, зеро, бағрикенглик (сабр-тоқатлилик) ва фуқароларнинг бир-бирларини кечира олиши миллий маданиятимизга доимо хос бўлган.

Ушбу қонуний ечимнинг аҳамияти жуда катта, чунки фуқаролик жамияти сари бориш жараёнида илк бор сари унга зарар етказувчи ишлар бўйича ўз айбловини қувватлаш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга, томонлар ярашуви институти жиноят содир этган шахсни ўз айбини бўйнига олиб келиши, жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф этиши, одил судлов органларига айбдорларни фош этишда ёрдам бериши, яъни у ёки бу даражада ва шаклда ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида фаоллик кўрсатишга ундаб, жиноят ҳуқуқининг рағбатлантирувчи нормалари кенг қўлланилишига олиб келади.

Томонларнинг ярашуви институти, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш шакли сифатида, ўз айбини тан олган ва жабрланувчига етказилган зарарни қоплашга тайёрлигини билдирган тақдирда суриштирув, тергов ва суд органлари фаолиятига ҳам баъзи тузатишлар киритади. Улар суддан олдинги ва суд давридаги муҳокама жараёнларини соддалаштириш ва томонларнинг ярашуви учун ҳақиқий (реал) процессуал имкониятлар бериш билан боғлиқдир. Бироқ, томонларнинг ярашуви тўғрисидаги қарор суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга эмас, аввало, томонларнинг бир-бирларини тушунишларига боғлиқ эканлиги муҳимдир. Ўйлаймизки, бу институт катта истиқболларга эга бўлиб, Жиноят кодексидаги томонларнинг ярашуви муносабати билан жиноий таъқибдан озод қилишга рухсат берувчи моддалар рўйхатининг кенгайиши томон такомиллашиб боради.

Туб ўзгариш хусусиятига эга бўлган яна бир янгилик мулкни мусодара этиш чорасини мулкнинг дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидаларга зид қоида сифатида жиноят учун жазолар тизимида чиқариб ташлашдир. Демократик давлатда мулк бирор орган ёки мансабдор шахснинг қарори билан олиб қўйилиши (бегоналаштирилиши) мумкин эмас. Зеро, бу бировнинг мулкини маъмурий буйруқбозлик услубида тасарруф этишдан иборат «социализм» вақтидан қолган зарарли услубдир. Ушбу қарорда ижтимоий-сиёсий жиҳат ғоят муҳим бўлиб, унинг моҳиятини давлатимиз раҳбари ўз маърузасида изоҳлаб берди: «Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу — бизнинг бош мақсадимиздир». Ушбу сўзлар халқимизнинг кўп авлодлар ҳаёти давомида сайқал топган ахлоқий мероси, ўзига хос маънавий бойлигига асослангандир. Мусодара қилиш жазосидан оиланинг умумий мулки, судланувчининг фарзандлари ва рафиқаси кун кечириши учун зарур бўлган барча мулк мустаснодир. Аммо, жиноят предмети ва воситасини ташкил этган мулк суд ҳукмига асосан давлат ихтиёрига ўтказилади.

Мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазодан воз кечиш асосида табиий равишда зарарни қоплаш муаммоси долзарб аҳамият касб этади. Ушбу муаммони ҳал этишда янги муқобил йўналиш кўзга ташланмоқда, чунки зарарни қоплаш механизмига, мажбурлов усули билан бир қаторда, ишонтириш усули ҳам киритилди. Қонун айбдорга етказган моддий зарарини қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум этиш ёхуд ҳибсда сақлашга ҳукм қилинмаслик чорасини танлаш ҳуқуқини берди. Энди унга жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Жиноят туфайли жамиятга, давлатга ва фуқароларга кўп миқдорда моддий зарар етказган шахсларга ҳамма вақт ҳам қамоқ жазосини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Уларга катта ҳажмда жарима солиш, зарарни тўла ундириб олиш билан боғлиқ жазо қўллаш ўринли бўлади.

Бир қараганда, бундай қарор жазонинг муқаррарлиги принципини бузаётгандек бўлиб туюлади. Аслида ундай эмас, зеро, кўпчилик учун жазо қўллаш шаклидаги оқибатлар эмас, адлия идоралари тизими билан тўқнашувнинг ўзи жиноятнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қамоққа олишдан иборат эҳтиёт чорасини қўллаш мезонларининг ўзгаришини эркинлаштиришга доир ягона концептуал сиёсатнинг давоми сифатида қараш лозим. Бу — «ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш» тушунчасини янгича тушунишнинг бевосита натижаси. Бугунги кунда улар қаторига суд томонидан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан содир этилган жиноятлар ва қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш назарда тутилган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар киради.

Бундай жиноятлар Жиноят кодекси махсус қисми моддаларида назарда тутилган барча тажовузларнинг 42,8 фоизини ташкил этади. Бундай янгилик давлатнинг жазолаш сиёсатини юмшатиш билангина чекланиб қолмайди. У шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, амнистия актларини қўллаш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш жазо турларини белгилаш, бошқа ҳуқуқий институтларни қўллаш учун ҳуқуқий асослар кенгайиши туфайли криминоген муҳитни яхшилашга шароитлар яратишга қаратилган.

Инсонпарварлик ғояларини босқичма-босқич амалга ошириш ҳуқуқий соҳада эълон қилинган жиноий жазо сиёсатини эркинлаштиришнинг бошланишидир. Бўлғуси ислоҳотларнинг муваффақияти адлия идоралари фаолиятининг демократлашуви ва очиқлик даражасига бевосита боғлиқдир. Бу эса ҳозирги шароитда катта аҳамият касб этмоқда, зеро, бусиз унинг аҳволини холисона баҳолаб бўлмайди.

Жиноий жазо сиёсатини эркинлаштириш жараёни стратегик йўналишларини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг ўрнатиш ва унинг натижаларини илмий мушоҳада этиш лозим. Эркинлаштириш серқиррар ҳодиса бўлиб, у жиноят-ҳуқуқий жабҳанинг барча соҳаларига етиб бориши шарт. Бу борада жиноят қонунчилигининг мукаммаллиги муҳим ўрин тутади. Лекин мазкур йўналишдаги илмий изланишлар талаб даражасида эмас. Чунки сўнгги йилларда жиноят ҳуқуқи назарияси амалда суст ривожланди. Нашр этилган илмий ишларда, асосан, қонунлар шарҳланди, жиноят ҳуқуқи социологиясининг мактаби ва жиноят ҳуқуқининг махсус қисми бўйича манбалар етарли яратилмади. Жиноят ҳуқуқи назариясини ишлаб чиқишдаги камчиликлар ва жиноят ҳуқуқи фанидаги турғунлик ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Бу жиноят ҳуқуқи нормаларининг ҳам, умуман, Жиноят кодексининг ҳам тузилишини такомиллаштириш зарурати юзага келтирди.

Жиноят кодекси ижтимоий хавфли жиноятлар даражасига етмайдиган кам аҳамиятли қилмишларга тааллуқли моддалар билан ҳаддан ташқари «тўлдириб юборилган» бўлиб, унда ўзаро рақобатлашувчи маъмурий мазмундаги нормалар ҳам кўп эди. Бундан ташқари, айрим тоифадаги жиноятларни рўйхатга олиш тартибини яхшилаш зарур.

Янги Қонун унчалик оғир бўлмаган қилмишларни жиноятлар қаторидан чиқариш масаласига алоҳида аҳамият берди. Аввал савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини анча миқдорда бузганлик учун шахс жиноий жавобгарликка тортилар эди. Энди бундай қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

## Қуролли Кучларнинг 10 йиллигига

**1994 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурига қўшилди. Бу Дастур коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини (шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳам) вужудга келтиришга қаратилгандир. НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, ушбу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш учун имкон беради. НАТО мамлакатларининг тадбирларида, жумладан ҳарбий бўлинмаларнинг биргаликдаги машқларида қатнашиш мумкин бўлади. Буларнинг барчаси қисмларимизнинг жанговар тайёргарлигини кўтаришга, илғор жанговар тажрибани ўрганиш, яъни пировардида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини юксалтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга давлатимизнинг жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқаларини мустаҳкамлашга шароит туғдиради.**

**Ислом КАРИМОВ.**




# АМЕРИКА ЗАМИНИДАГИ ЖАСОРАТ



### Мустақил Ватан ҳимоясида

Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз армиясига эга бўлиши шартлиги, ўз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқи тинчлигини кафолатли ҳимоя қила олиши зарурлиги изоҳ талаб этмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, орадан кўп вақт ўтмай, республикамиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг, бошқа ҳарбий тузилмаларнинг Ўзбекистон тасарруфига (юрисдикциясига) олиниши шу нуқтаи назардан оламшумул воқеа бўлди. Айнан шундай қарор қабул қилинган кун 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди. Яна саноқли кунлардан кейин унинг 10 йиллиги барча посбонлар ва халқимиз томонидан кенг нишонланади.

Ўтган йиллар мобайнида Президентимиз ва мамлакатимиз раҳбарияти томонидан миллий армиямиз — Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, жанговар шайлигини юксалтиришга катта эътибор берилди ва берилмоқда. Мамлакат Мудофаа вазирлигининг ташкил этилганлиги, «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларнинг, ҳарбий Доктринанинг қабул қилинганлиги, Марказий Осиёда ягона Қуролли Кучлар Академияси ва Авиация олий ҳарбий билим юртининг очилганлиги ҳам фикримиз далилидир. Бугунги кунда республикамизда мавжуд бўлган 4 та олий ҳарбий билим юрти зарур бўлган барча мутахассисликлар бўйича малакали офицер кадрлар тайёрламоқда.

«Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурига қўшилганимиздан бери ўтган давр мобайнида жангчиларимиз мамлакатимиз ҳудудида ва хорижий давлатларда ўтказилган кўплаб тинчликни сақлашга қаратилган ҳарбий машқларда иштирок этиб, юксак жанговар маҳоратга эга эканликларини намойиш этишди. Бунга мисол қилиб, АҚШ, Норвегия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда, ўз ҳудудимизда бўлиб ўтган халқаро ҳарбий машқларни кўрсатиш мумкин. Уларда иштирок этган ва кузатувчи сифатида қатнашган кўплаб мамлакатлар, жумладан АҚШ ҳарбий мутахассислари ўзбекистонлик аскару сержант, прапоршчигу офицерлар малакасига юксак баҳо беришди.

Юртбошимиз Қуролли Кучларимиз хусусида фикр билдириб, армиямизнинг миқдор жиҳатдан камсонли, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, мамлакатимиз хавфсизлигини ҳар қандай шароитда пухта таъминлашга қодир бўлиши лозимлигини таъкидлаб келмоқда. Бу — халқимиз дилидаги гаплар.

Дарҳақиқат, бугунги Армиямиз бундан 10 йил аввалгисига ўхшамайди. У жанговарлик жиҳатдан ҳам, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан қуролланганлик жиҳатидан ҳам тубдан такомиллашган. Унинг шахсий таркиби ҳам Ватан, ватанпарварлик туйғусини чин қалбдан ҳис этувчи, она юрти — Ўзбекистон учун жонини фидо қилишга шай ўғлонлардан ташкил топган.

Бугун — Қуролли Кучларимизнинг 10 йиллик байрами арафасида ўзим бевосита гувоҳи бўлган — океан ортида бўлиб ўтган ҳарбий машқларда жангчиларимиз билан бирга иштирок этган машғулотлар ҳақида жуда-жуда ёзгим, посбонларимизнинг шунчаки эмас, ҳарб илмининг ҳақиқий мутахассислари бўлиб етишганликларини холис айтгим келди.

### «Кооператив наггет»

«Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурига мувофиқ АҚШнинг Луизиана штатидаги Форт-Полк ҳарбий базасида ўтказилган бу машқлар тинчликни ўрнатишга қаратилган тадбирларни ўрганишга йўналтирилган эди. Унда 22 мамлакат вакиллари, жумладан бизнинг бир гуруҳ жангчиларимиз ҳам иштирок этишди. Гуруҳ шахсий таркиби океанорти машқларига олдиндан яхши тайёргарлик кўришганди. Ҳар ҳолда, нотаниш жой, нотаниш иқлим шароити аскарларимизни толиқтирса керак, деган фикр беихтиёр хаёлдан ўтарди.

Очиғи, жангчиларимиз дастлаб бироз чарчагандек кўринишди. Лекин бу бир кун давом этди, холос. Эртасигаёқ, уларнинг толиқишларидан асар ҳам қолмади: яна ўзларини бардам, руҳан тетик сезишди. Ваҳоланки, Тинч океани соҳилида жойлашган Луизиана штати обҳавоси ёзда биздагидай қуруқ иссиқ бўлмай, сернам, илиқ. Ҳаво босими, то кўникиб олгунга қадар кишини қандайдир сиқиб туради.

«Кооператив наггет» машқлари бирдан бошланмади. Қатнашувчи барча мамлакатлар ҳарбийларига кўникиш (адаптация) учун вақт берилди. Шу вақт ичида давлатлараро турли спорт беллашувлари ҳам ўтказилиб турилди. Мана шу ўртоқлик мусобақаларида, айниқса, волейбол бўйича бизнинг жангчилар деярли барча давлатлар вакилларини доғда қолдиришди. Мен шунда илк бор юракдан ҳис қилдим, она-Ватанинг йигитлари кетма-кет ғалабага эришиб, чет давлатда Ўзбекистон номи мағрур жаранглаб турганда ўзингни қандай бардам сезишнинг нақадар қувонарли эканлигини.

Халқимизнинг «жўжани кузда санайди», деган мақолини билсам-да, бизнинг гуруҳни Ўзбекистондан Форт-Полкгача кузатиб борган ва у ерда ҳам биз билан бирга бўлган Америка армияси катта сержанти Келли Аммермондан жангчиларимиз ҳақидаги илк таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдим. «Жуда яхши, — деди у ўзбек тилида ва инглизчалаб давом этди. Ўзбекистонда икки марта бўлганман. Биринчи марта Фарғонада ўтказилган «Ультрабаланс» ҳарбий машқларида қатнашдим. Сержанту аскарларингизнинг жисмоний ва жанговар тайёргарликлари юксак даражада. Барчаси жуда тартиб-интизомли, эпчил, сермулоҳаза ва маънан баркамол йигитлар. Ишонч билан айта оламанки, уларнинг ўз олдига қўйилган вазифаларни аъло даражада уддалаб, кузатувчилар мақтовига сазовор бўлиши шубҳасиз».

Америкалик ҳарбий мутахассис ҳақ гапни айтган эди. Бунга барча мамлакатлар вакиллари сал кейинроқ — ҳарбий машқлар жараёнида тўла амин бўлишди. Ўзбекистонлик жангчилар маҳоратига тасаннолар айтишди.

**Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,**
**подполковник.**

*(Давоми кейинги сонларда).*

# Кўнглим айтур...

## Қувонч қуши

*Чечак яшнаб турса,*
*чаман саломат,*
*Юрак яйраб турса,*
*бадан саломат.*
*Қувонч қуши*
*қўнар сокин кўнгилга,*
*Кулгу янграб турса,*
*Ватан саломат!*



Саъдулла ҲАКИМ.

## Ватан шаъни

*Эр кишининг ҳар иши*
*ўз давру давронига мос,*
*Найзасин душманга тутқазмоқ*
*фақат Ҳотамга хос.*
*Ҳур диёрим қасдида*
*то бир бaложўй бор экан,*
*Ҳар сўзим ханжар кабидур,*
*ҳар мўйим наштар қиёс!*

## Истиқлол

*Ҳаёт маъносини баҳор айёми*
*Барқ уриб яшнаган*
*гиёҳдан ўрган.*
*Азалий ҳикмат бу,*
*бир кун албатта*
*Ёруғликка чиқар*
*зулматни кўрган.*

## Қўшиқ йўли

*Термизда тўй гурулласа*
*полвон келар Қаршидан,*
*Бойсун тоғда қор эриса*
*Ғузорда гул яшнайди.*
*Бахши чертса Кўкдалада*
*дўмбирасин сел бўлиб,*
*Шерободда сувлиқ чайнаб*
*Бойчиборлар кишнайди!*

## Атиргул соясида

Булбул сайрайди хушхон
атиргул соясида,
Чин ошиқ топар макон
атиргул соясида.
Атиргул ифорига
арзимас дунё моли,
Мени ҳам эт имтиҳон
атиргул соясида.



* * *

Ёқубжон акага

Ўтди ёшлик...
тим қаро сочимда оқ,
Мисли қор тоғ бошида
ётган сиёқ.
Кўнглим айтур:
«Чекма қайғу, идрок эт —
Шунча қорли
қанча юксак бўлса тоғ!»


ТОШКЕНТ ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтиб яшовчи юқори малакали қуйидаги мутахассисларни ишга таклиф этади:

- ички ускуналар бўйича дурадгорлар;
- мебелсозлар;
- металга қайта ишлов берувчи слесарлар;
- электрпайвандчилар;
- газэлектрпайвандчилар;
- пассажир вагонлари ички қисмини безаш бўйича конструктор-дизайнчилар.



Маошлар юқори.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ҳ.Умаров кўчаси, 8-уй.

Телефон 59-43-16.

3182/2741


## «Умид ниҳоллари» кундалиги

# Сирдарёлик ўқувчилар баҳси

Вилоят умумтаълим мактабларида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг I, II босқичлари якунланиб, III вилоят босқичига старт берилди.

Мусобақалар уч гуруҳга бўлинган ҳолда: Гулистон, Янгиер, Сирдарё шаҳарларининг энг яхши спорт базаларида ўтказилмоқда. Мазкур гуруҳ ғолиблари 10-19 январь кунлари вилоят марказида бўладиган финал мусобақаларида иштирок этадилар.

Мусобақаларга вилоят халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ота-оналар томонидан ҳомийлик қилинмоқда. Мусобақа қатнашчиларига барча шароитлар яратилиб, ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**Республика «Умид ниҳоллари» штаби.**

## ҲИКМАТ

*Билимдин шод бўлур*
*коми дилу жон,*
*Билимсиз оламда ҳайрон,*
*саргардон.*

## САВОЛ БИЗДАН...

**Айтингчи, пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) қайси йилларда яшаган?**

136-35-60

**4 январь сонидаги саволнинг жавоби:** Париж.

# ИНТИЛИШ ЗЎР

**«Насаф» стадиони Қарши шаҳри, Косон ва Нишон туманларидаги мактабларининг, махсус интернатларнинг V-VII синф ўқувчилари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг III босқичи бошланди.**

— Худди шу мусобақалар бугун Касби туманининг марказий стадионида ҳам бўлиб ўтмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти бош мутахассиси Қаҳрамон Холмўминов. — Касби, Усмон Юсупов, Баҳористон, Муборак туманлари мактабларининг V-VII синф ўқувчилари спортнинг 11 тури бўйича беллашмоқдалар. 15 январда Шаҳрисабзда Китоб, Чироқчи, Яккабоғ туманлари, Ғузор туманида Қамаши, Деҳқонобод, Қарши туманлари ўқувчилари ўзаро куч синашадилар. Хуллас, III босқич мусобақалари 4 ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилади.

Суҳбатдошимнинг айтишича, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўрилган. Энг аввал ана шу мусобақаларни ўтказиш бўйича аниқ тавсиялар берилган, семинар машғулотлари ташкил этилган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи муҳим жиҳати шуки, мактаблардаги барча спорт иншоотлари таъмирдан чиқарилди. Спорт мураббийлари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг тайёргарликлари кучайтирилди. Уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томондан мусобақага жиддий тайёргарлик кўришларига эришилди.

Аслида ҳам шундай бўлиши керак-да. Чунки вилоят мактабларининг V-VII синфларида 122927 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ана шунча ўқувчи спортнинг 11 тури билан шуғулланса, ғолиблар аниқланса, терма жамоа шаклланса, қандай яхши. Бу исми жисмига монанд тарзда умид ниҳоллари чайир ва бақувват бўлиб ўсишини таъминлайди. Гап ўринда эмас. Гап ана шу мусобақанинг аҳамиятида. Шунинг учун ҳам бу йил вилоят ҳокимлиги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига жиддий эътибор бермоқда.

Мусобақалар бошланди. Ҳаракат яхши, интилиш зўр. Бугунги мурғак ниҳоллар эртага довулларга бардош бера оладиган чинорларга айланиши аниқ.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


“MALVIL”МЧЖ

санoат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.

АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12,24V)

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ: ИТАЛИЯ (TELWIN)







ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР: ИТАЛИЯ (TELWIN), УКРАИНА (SELMA).

КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

Тошкент ш., 700000, В.Малясов кўчаси, 3,113-115-хоналар.
Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil @ operamail.com.

4792

ЖАҲОНДА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ПЕШҚАДАМ Makita КОРПОРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ ВА ҲАМКОРЛИККА ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КАФОЛАТ. СЕРВИС ХИЗМАТИ.



- ✓ ПЕРФОРАТОРЛАР
- ✓ АВТОМАТИК БОЛҒАЛАР
- ✓ ЭЛЕКТР ДРЕЛЛАР
- ✓ ШУРУП БУРОВЧИЛАР
- ✓ МЕТАЛЛ ҚАЙЧИЛАР
- ✓ СИЛЛИҚЛАШ МАШИНАЛАРИ
- ✓ РАНДАЛАР
- ✓ ДИСКЛИ АРРАЛАР
- ✓ АККУМУЛЯТОРЛИ АСБОБЛАР

БАРЧА АСБОБЛАР ЕВРОСТАНДАРТГА МУВОФИҚ

Makita — СИФАТ ВА ИШОНЧЛИЛИК БЕЛГИСИ.

Тошкент ш, 700000, В. Малясов к., 3, 113 - 115-хона.
Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil@operamail.com

4674

AL-RAMI

АЛЮМИНИЕВЫЕ

ВИТРАЖНЫЕ СИСТЕМЫ

ОКНА

ДВЕРИ

КОМПОЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ

изготовление по размерам заказчика

доставка и установка по городу Ташкенту - бесплатно!

принимаем на работу менеджеров.

ТЕЛ ФАКС 195-41-53

МОБИЛЬНЫЙ 187-44-65, 188-88-42.


ХАН ДАК «Ўрта Осиё транс»га «Ўзавтодарётранс» агентлиги томонидан берилган қуйидаги лицензия варақалари: AT N 0011449, AT N 0213961 йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Молия институти жамоаси институт доценти Ибодулло Қўнғировга онаси

**ТОЖИНОР аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси, жамғарманинг Андижон вилояти бўлими бош директори Н.Мамажоновга отаси

**Аҳмаджон МАМАЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 3115. 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — М. Норматов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 21.10 1 2 3 4 5 6